



О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.

20 21-yil 05 - апрель

63 – K -son

Samarqand sh.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2021 йил 31 мартдаги
“Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати
тизимидаги давлат бошқаруви органлари,
хўжалик бирлашмалари ва бошқа
ташкилотларнинг ижро интизомига
масъул таркибий бўлинмалари
раҳбарларини лавозимларга тайинлашни
ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги 171-сонли
қарори ижросини таъминлаш ҳақида**

Вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликларида ижро интизомига масъул таркибий бўлинма раҳбари лавозимига малакали кадрларни тайинлашни тартибга солиш, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш ҳамда ижро интизомини янада мустаҳкамлашда уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарларини лавозимларга тайинлашни ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 171-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва топшириқларининг ижросини ўз муддатида ва сифатли бажарилишини

таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги бошқарув аппаратида 3 та штат бирлигидан иборат Ижро назорати бўлими ташкил этилсин.

3. Вилоят ҳокимлиги бошқаруви аппаратида ташкил этилаётган Ижро назорати бўлими штат birlikлари вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳининг 1 нафар бош, ахборот-таҳлил гуруҳининг 1 нафар етакчи ва Ишлар бошқармаси девонхонасининг 1 нафар биринчи тоифали мутахассислари ҳисобидан шакллантирилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ижро назорати бўлими бевосита вилоят ҳокимига бўйсунди.

4. Ижро назорати бўлимининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қуйидагилар, Ижро назорати бўлимининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларини ҳисобга олиш ва уларнинг рўйхатини шакллантириш, улар бўйича аниқ ижрочилар, муддатлар ва бажариш механизмлари кўрсатилган топшириқлар тайёрланишини ҳамда ижрочиларга етказилишини назоратга олиш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бўйича амалга ошириш графикларининг (назорат режалари) тайёрланишини, тасдиқланишини ва ижрога қаратилишини назорат қилиш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил этиш ҳамда чуқур таҳлиллар асосида мониторингини олиб бориш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишининг ҳар ҳафталик таҳлилларини амалга ошириш, ижроси кечикаётган топшириқларнинг ҳисобини юритиш ва кечикиш сабабларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилиш юзасидан раҳбариятга таклифлар киритиб бориш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг бажарилиш ҳолати бўйича раҳбарнинг биринчи ўринбосари ҳузурида ҳар ҳафта жума куни, раҳбар ҳузурида ҳар ҳафтанинг сешанба куни ўтказиладиган муҳокамаларга таҳлилий материаллар киритиб бориш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг бажарилиш ҳолати ҳар ой якунида мажлисларда муҳокама қилинишини ҳамда масъул раҳбарлар ва ходимларнинг ҳисоботлари эшитилишини ташкил қилиш;

ташкилотларда ижро интизоми ҳолатини мақсадли ўрганиш ишларини тизимли равишда амалга ошириш ва уларнинг натижаларини ҳар чорак якунида мажлисларда муҳокама этиш бўйича таклифлар киритиш;

“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали келиб тушган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросининг тизимли назоратини амалга ошириш;

масъул ижрочилар томонидан назорат ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилиши бўйича “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига маълумотлар ва тасдиқловчи ҳужжатларнинг ўз вақтида киритилишини мунтазам назорат ва таҳлил қилиб бориш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига киритилган маълумотлар ва тасдиқловчи ҳужжатларга асосан топшириқларни назоратдан ечиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ҳисоб палатаси билан мунтазам равишда ҳамкорликда иш олиб бориш;

бошқа давлат органлари ва ташкилотлар томонидан келишиш учун киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини таркибий бўлинмаларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларда кўриб чиқиш ва келишиш жараёнларини назоратга олиш ҳамда натижалари бўйича раҳбариятга ахборот бериб бориш.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармонида мувофиқ 2021 йил 1 апрелдан бошлаб вилоят ҳокимлигининг ижро интизомига масъул бўлинмаси раҳбарини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масалалари мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Ижро интизомини таъминлаш шўъбаси билан келишилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ураков), вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи (Рахматуллаев) 3 кун муддатда Ижро назорати бўлимини малакали ходимлар билан бутлаш мақсадида бўлим раҳбари ва ходимлари лавозимларига номзодлар бўйича таклиф киритсин.

7. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари, шаҳар, туманлар ҳокимлари, вилоят бошқарма, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари:

ижро интизомини мустаҳкамлашга ҳамда бу борада йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни келиб чиқиш сабабларини бартараф этишга жиддий эътибор қаратилишини таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифлари давомида берилган топшириқларнинг ижросини ўз муддатида таъминлаш ишларини мунтазам равишда назорат қилиб борсинлар;

ягона идоралараро ижро интизоми электрон тизимлари (ijro.gov.uz) ва электрон ҳужжат айланиш (IS_DocFlow) дастури орқали келиб тушган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукуматининг ҳужжатлари ва топшириқларининг ижросини ўз муддатида тўлақонли амалга оширилишини ҳамда электрон тизимга киритиб борилишини таъминласинлар;

ижро интизомини бузган раҳбарлар ва масъул ҳодимларга нисбатан катъий интизомий чораларни кўриш, хато ва камчиликлар ҳамда уларни келиб чиқиш сабабларини зудлик билан бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиласинлар;

ҳокимликлар ва ташкилотлар юридик хизматларининг ҳуқуқни қўллаш, қонун устуворлиги ва қонунийлигини таъминлаш ҳамда масъул ҳодимларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш борасидаги фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан зарурий чоралар кўрсатиб борсинлар;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг бажарилмаган бандлари ижросини таъминлаш юзасидан зарурий чоралар кўриб борилсин.

8. Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи (Раҳматуллаев) 3 кунлик муддатда вилоят ҳокимлиги бошқарув аппаратининг янгиланган структураси ишлаб чиқилишини ва мазкур қарор билан биргаликда халқ депутатлари вилоят Кенгаши тасдиғига киритилишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими




Э.Турдимов



Самарқанд вилояти ҳокимининг
2021 йил “15” апрелдаги 63 -Қ-сонли
қарорига илова

Самарқанд вилояти ҳокимлиги Ижро назорати бўлими таркиби



Ижрочи: Д.Хушваков

Ташкилий-назорат гуруҳи етакчи
мутахассиси